

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХМАНОВ ФАРРУХ САИДЗИМ ЎҒЛИ**

**БОЛАЛАРДА ҚЎЛ БАРМОҚЛАРНИНГ КУЙИШИ ОҚИБАТЛАРИ  
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА  
ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ДАСТУРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдурахманов Фаррух Саидзим ўғли**

Болаларда қўл бармоқларнинг куйиши оқибатлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш босқичларида даволаш-профилактика дастурини такомиллаштириш..... 3

**Абдурахманов Фаррух Саидзим угли**

Совершенствование лечебно-профилактической программы на этапах хирургического лечения пациентов с последствиями ожогов пальцев и кисти у детей..... 31

**Abduraxmanov Farrux Saidzim ugli**

Optimization of the treatment and preventive program at the stages of surgical treatment of patients with consequences of burns of fingers in children..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 62

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АБДУРАХМАНОВ ФАРРУХ САИДЗИМ ЎҒЛИ**

**БОЛАЛАРДА ҚЎЛ БАРМОҚЛАРНИНГ КУЙИШИ ОҚИБАТЛАРИ  
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ БОСҚИЧЛАРИДА  
ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ДАСТУРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib5012 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Мадазимов Мадамин Мўминович</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Акилов Хабибулла Атауллаевич</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор<br><b>Ибрагимов Жасурбек Хабибжанович</b><br>тиббиёт фанлари доктори, доцент |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Доғистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)</b>   |

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz), Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2026 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Ғ.М. Ходжиматов**

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Куйишларнинг 30 фоизи кафт бармоқлар куйишига тўғри келади. Кафт бармоқлар сохаларидаги куйикдан кейинги асоратларни даволаш узок йилларни талаб қилувчи ҳам функционал ҳам косметик жихатдан нуқсонларни бартараф этишга қаратилган даволаш-профилактика дастури ҳисобланади. Қўлларнинг куйишдан кейинги чандикли контрактуралари умумий куйишдан кейинги барча деформацияларнинг тахминан 32% ни ташкил қилади. Бу эса ўз навбатида ногиронликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Қўлларнинг куйишининг чуқурлик даражаси бўйича III а, б даражада куйиши ногиронлик ҳолатларининг 48,5% ташкил этади. Қўлнинг куйишдан кейинги чандикли деформациялари ва контрактуралари нафақат беморга ўз-ўзини парвариш қилишнинг ҳақиқий ва доимий муаммосини яратади, балки унинг умумий ҳолатига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморлар касбий вазифаларини бажара олмайдилар бунинг натижасида касбий фаолиятларини йўқотадилар. Келажақда қўлларнинг куйишдан кейинги оғир чандикли деформациялар ва контрактуралари бўлган беморларда нафақат касбий фаолият, балки нормал ҳаёт муаммоси ҳам вужудга келади. Бу ўз навбатида ҳаёт сифатининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади. Болаларда эса муҳим кўникмалар ҳисобланган – ўз-ўзига хизмат қилиш қобилиятининг етишмаслигидан жисмоний қобилиятни пасайиши ўз навбатида руҳий зўриқиш, жамиятда ўрганиш ва мослашиш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда болаларда қўл бармоқлари куйиши оқибатларини жарроҳлик даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда, чунки функционал натижалар ва ҳаёт сифати кўп жихатдан реконструктив аралашувларни ўз вақтида ва тўғри усулда бажаришга бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан эрта некрэктомия ва аутодермопластикани қўллаш, жароҳатнинг чуқурлигини аниқ баҳолаш ҳамда операция вақтини оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, куйишдан кейинги контрактураларни бартараф этишда замонавий пластик операциялар самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, рақамли ва технологик ёндашувларни жорий этиш – 3D моделлаштириш, операцияни режалаштиришнинг компьютерлаштирилган тизимлари ҳамда реабилитация жараёнини мониторинг қилиш усуллари ҳам долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш доирасида болалар саломатлигини таъминлаш, жумладан куйиш оқибатлари бўлган болаларга юқори малакали жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш, даволашнинг самарали ва кам жароҳатли усулларини жорий этиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий

хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган<sup>1</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволашнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Муаллифларнинг фикрига кўра, «Чандикланиш жараёнидаги пато-морфологик ўзгаришлар бирламчи чандикли деформация, гипертрофик чандик, чандикларни сўрилиши, атрофия, келлоид ва бошқалар кўп ҳолларда бўғимларининг ҳаракатчанлигига таъсир ўтказмай қолмайди» (Перловская В.В, Сапухин Э.В., Козлов Ю.А.). «Натижада оддий чандикли деформация кейинчалик вақт ўтиши билан артродесмодермоген контрактураларнинг ривожланиши қўл бўғимларининг анкилозининг шаклланишига олиб келади» (Yu N, Long X.). М.М. Мадазимовнинг маълумотига кура “Куйикдан кейинги қўлнинг функциясини, яъни ишлаш қобилиятини тиклашга бағишланган замонавий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қўлнинг юмшоқ тўқималарида пластик ва реконструктив реконструктив операциялардан фойдаланиш ҳар доим ҳам қониқарли натижалар бермайди. Шу билан бирга, даволанишнинг биринчи босқичида ташқи фиксация (ретрактор) воситалардан фойдаланиш ушбу патологияга чалинган беморларни реабилитация қилишнинг кўплаб масалаларини ҳал қилишга, шунингдек, кейинги реконструктив ва тиклаш чоралари учун шароит яратишга имкон беради. Аммо қўлнинг куйишдан кейинги эрта даврларда даволаш чора-тадбирларига ташқи фиксация мосламаларини фойдаланиш жароҳатни битишида, шунингдек, хирургик даволаш босқичида, сублуксациялар ва дислокациялар кўринишидаги ретракторлар метакарпофалангеал ва интерфалангеал бўғинлар етарлича ўрганилмаган. Ташқи ретракцион мосламалардан фойдаланиш учун аниқ

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

тенденциялар ишлаб чиқилмаган (Askhanov Z.P., Темиров П.Ч., Тешабоев М.Г., Мадазимов К.М., Назиров С.У.).

Бугунги кунда қайси ҳолларда терини кўчириб ўтказиш ёки кўчириб ўтказилгандан кейинги ҳолатларда пластмасса ташки фиксацияловчи мосламадан фойдаланиш, ёхуд биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқлиги бўйича аниқ асос йўқ. Болаларда куйишдан кейинги қафт бармоқлар чандикли деформация ёки контрактураларини даволашда жарроҳлик тактикасининг аниқ алгоритми, шунингдек, комбустиология ва бармоқлар хирургияси бўлимларини ўртасида бу муаммонинг узлуксизлиги ва ягона кўриниши мавжуд эмаслиги, умумлаштирувчи ишлар ва натижаларни баҳолашнинг ягона тизимларининг етишмаслиги даволаш натижаларини таққослашда, афзалликлари ва камчиликларини аниқлашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда (Tucker M.E.). Изланишлар шуни кўрсатадики, қафт бармоқлар куйишдан кейинги чандикли деформациялари ва контрактуралари учун реконструктив пластик жарроҳлик, шунингдек, реабилитация босқичларида ташки фиксация қурилмаларидан фойдаланиш бўйича алоҳида маълумотлар келтирилган. Даволашнинг турли босқичларида, шунингдек тери-пластик жарроҳликдан кейинги даврларда ташки фиксация усули бир вақтнинг ўзида фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилмаган (Skvortsova M.A.).

Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, қафт ва бармоқлар, хусусан, бўғимларининг контрактуралари мавжуд бўлган ҳолларда, қўлнинг оғир куйишдан кейинги (циркуляр чандик- билакнинг барча юзалари куйиши натижасида вужудга келган чандикли деформация) чандик деформацияси бўлган беморларда операцияни бажариш тартиби аниқ тасвирланмаган. Турли даволаш усулларида турлича ёндашувлар курсатиб бериш булсада, бироқ даволашнинг олис натижалари мавжуд эмас. Ушбу патологиядан азият чеккан беморларни даволаш тавсифланган ҳолатларда қоида тариқасида мавжуд чандикларни жарроҳлик даволашнинг турли усуллари ишлаб чиқилди ва мавжудлари қисқартирилди бироқ операциядан кейинги даврларда ташки фиксация учун мосламалар яратилмади борлари эса фойдаланилмай кўйилди. Шу сабабли, қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволаш босқичларида даволаш-профилактика дастурини такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб бориш илмий ҳамда амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ И-26-сон «Куйиш оқибатлари бўлган беморлар хирургик реабилитациясининг янги тизимини клиникага татбиқ этиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволаш босқичларида даволаш-профилактика дастурини такомиллаштириш орқали функционал ва эстетик натижаларни яхшилашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда қўл бармоқларининг куйишдан кейинги чандиқ деформациясини пластик жарроҳликнинг анъанавий усулларининг қониқарсиз натижалари учун хавф омилларининг тарқалиш динамикасини ўрганиш ва баҳолаш;

болаларда қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган беморларни реабилитация қилишнинг турли босқичларида индивидуал ретракторларни ишлаб чиқиш;

болаларда куйишдан кейинги қўлнинг чандиқ деформациясининг оқибатларининг олдини олиш ва даволаш-профилактика дастурини ишлаб чиқиш;

болаларда қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш босқичларида даволаш-профилактика дастурини такомиллаштиришнинг олис муддатли функционал ва эстетик натижаларининг сифатини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019-2025 йилларда Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида қўл кафт бармоқларининг куйишдан кейинги чандиқли деформациялари туфайли даволанган 352 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** қўл кафт-бармоқлар куйишдан кейинги чандиқли деформация ва контрактуралари бўлган бемор болаларни клиник, физиологик текшириш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

болаларда куйгандан кейинги қўл бармоқларининг чандиқли контрактураларини бартараф этишда, жумладан, эрта реабилитация жараёнида чандиқли контрактураларни пайдо бўлиш механизмига, оператив амалиётнинг тактик ва техник жиҳатларига, чандиқларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда қониқарсиз функционал ва косметик натижалар ривожланишининг патогенетик жиҳатлари аниқланган;

болаларда қўл бармоқларининг куйишидан кейинги контрактураларини комплекс даволашда юмшоқ тўқималарни дозалашган механик чўзиш тамойили асосида ишловчи, мускул чарчаши ҳисобига юзага келадиган контрактуралар ривожланиши хавфини камайтириш ҳамда тортувчи чандиқларга қарши мувозанатни тиклаш имконини берувчи ортез-дистрактор конструкцияси ишлаб чиқилган;

болаларда қўл бармоқларининг куйишидан кейинги контрактураларида ортез-дистрактор орқали амалга оширилган дозалашган дистракциянинг биринчи босқичи чандиқли тўқималар эластиклигининг ошиши билан, иккинчи босқичи эса бармоқ функциясининг барқарор тикланиши билан тавсифланиши исботланган;

қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволаш босқичларида тери лахтақларини кўчириб ўтказиш ёки

суриш операцияларининг тактик ва техник жиҳатларини мукамаллаштириш, шунингдек, контрактуралар ривожланишини даволаш ва олдини олишда махсус дистракторлардан фойдаланиш орқали даволаш-профилактика дастури такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

куйгандан кейинги қўл бармоқлар чандиқли контрактураларини даволаш босқичларида асоратларни ривожланишини механизмига кўра комплекс даволаш чора-тадбирлари режасининг оптималлаштирилган профилактик ёндашув йўналишлари аниқланган;

ташрихдан олдинги ва кейинги босқичда комплекс даволаш дастурида дистракторлардан фойдаланиш тўқималарнинг кўшимича редрасациясини, реципиент соҳани кенгайтиришни, кўчириб ўтказилган ёки сурилган лаҳтақларни мазкур соҳада ҳаётлигини эрта тикланишини таъминлаши аниқланган;

комплекс даволаш чора-тадбирлар режасига киритилган дистрактордан фойдаланиш усулини такомиллаштириш ҳисобига мускул чарчаши ҳисобига юзага келадиган контрактуралар ривожланиш хавфини камайтириш ва тортувчи чандиқларга қарши мувозанатни тикланиши олис натижаларда ҳам функционал, ҳам косметик натижаларни яхшилаши исботланган;

дистракторлардан фойдаланиш техникасини такомиллаштириш, ҳар бир босқичда терининг мустаҳкам тикланишига, атроф тўқималарга нисбатан эластиклигини, ҳаракатчанлигини, рельефини ҳамда ретракция хавфини камайтиришга ёрдам бериши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, болаларда куйгандан кейинги қўл бармоқларининг чандиқли контрактураларини бартараф этишда, жумладан, эрта реабилитация жараёнида чандиқли контрактураларни пайдо бўлиш механизмига, оператив амалиётнинг тактик ва техник жиҳатларига, чандиқларнинг ҳусусиятларига боғлиқ ҳолда қониқарсиз функционал ва косметик натижалар ривожланишининг патогенетик жиҳатларига оид мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида болаларда қўл бармоқларининг куйишидан кейинги контрактураларини комплекс даволашда юмшоқ тўқималарни дозалашган механик чўзиш тамойили асосида ишловчи, мускул чарчаши ҳисобига юзага келадиган контрактуралар ривожланиши хавфини камайтириш ҳамда тортувчи чандиқларга қарши мувозанатни тиклаш имконини берувчи ортез-дистрактор конструкцияси ишлаб чиқилганлиги, бу эса ортез-дистрактор орқали амалга оширилган дозалашган дистракциянинг биринчи босқичда чандиқли

тўқималар эластиклигининг ошишига, иккинчи босқичда эса бармоқ функциясининг барқарор тикланишига имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда қўл бармоқларининг куйиши оқибатида шаклланадиган чандиқли контрактуралар ва деформацияларни жарроҳлик даволаш босқичларида даволаш сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: болаларда куйгандан кейинги қўл бармоқларининг чандиқли контрактураларини бартараф этишда, жумладан, эрта реабилитация жараёнида чандиқли контрактураларни пайдо бўлиш механизмига, оператив амалиётнинг тактик ва техник жиҳатларига, чандиқларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда қониқарсиз функционал ва косметик натижалар ривожланишининг патогенетик жиҳатлари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 мартда 6i-22/4-сон билан тасдиқланган “Бармоқларнинг куйишдан кейинги чандиқли тортилишини даволашда 3D дистрактор ёрдамида мустаҳкамлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 5 августдаги 182-сон ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 августдаги 13-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/47-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: болаларда куйгандан кейинги қўл бармоқларининг чандиқли контрактураларини бартараф этишда қониқарсиз функционал ва косметик натижалар ривожланишининг аниқланган патогенетик жиҳатларини инобатга олган ҳолда даволаш ва профилактика дастурларини амалга ошириш даволаш натижаларининг яхшиланишига, ногиронлик ҳолатларининг камайишига ва беморларнинг ижтимоий мослашувига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Стационарда бўлиш муддатининг 2 кунга қисқариши ҳисобига 840000 сўм давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинади. Хулоса: тадқиқот кўлами бўйича (n=60) 50400000 сўм бюджет маблағлари тежалишини таъминлайди.

иккинчи илмий янгилик: болаларда қўл бармоқларининг куйишидан кейинги контрактураларини комплекс даволашда юмшоқ тўқималарни дозалашган механик чўзиш тамойили асосида ишловчи, мускул чарчаши ҳисобига юзага келадиган контрактуралар ривожланиши хавфини камайтириш ҳамда тортувчи чандиқларга қарши мувозанатни тиклаш имконини берувчи ортез-дистрактор конструкцияси ишлаб чиқилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2025 йил 7 мартдаги FAP2704-сонли фойдали модел учун патенти) Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 мартда 6i-22/4-сон билан тасдиқланган “Бармоқларнинг куйишдан кейинги чандиқли тортилишини даволашда 3D дистрактор ёрдамида мустаҳкамлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 5 августдаги 182-сон ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт

марказининг 2025 йил 14 августдаги 13-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/47-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Патентланган ортез-дистракторни комплекс даволаш таркибига киритиш чандиқли контрактураларни босқичма-босқич бартараф этиш, бармоқ ҳаракат ҳажмини ошириш ва функционал тикланишни таъминлаш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Қўл бармоқлари контрактураси билан оғриган 1 нафар беморнинг шифохонада 1 кунлик даволанишига ўртача 420000 сўм миқдоридagi давлат бюджети маблағлари сарфланади. Бир нафар беморни шифохонада бўлиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириш 1260000 сўм давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинишига имкон беради. Хулоса: тадқиқот кўлами бўйича (n=60) 75600000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалишини таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: болаларда қўл бармоқларининг куйишидан кейинги контрактураларида ортез-дистрактор орқали амалга оширилган дозалашган дистракциянинг биринчи босқичи чандиқли тўқималар эластиклигининг ошиши билан, иккинчи босқичи эса бармоқ функциясининг барқарор тикланиши билан тавсифланиши исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 мартда бi-22/4-сон билан тасдиқланган “Бармоқларнинг куйишдан кейинги чандиқли тортилишини даволашда 3D дистрактор ёрдамида мустаҳкамлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 5 августдаги 182-сон ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 августдаги 13-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/47-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Маҳаллий механик таъсир чандиқли контрактураларнинг қайталаниш ҳолатларини камайтиради ва беморларнинг кундалик фаолиятга тезроқ қайтишига ёрдам беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Такрорий жарроҳлик амалиёти ўртача 3500000 сўм харажат талаб қилади. Ортез-дистракторни қўллаш натижасида такрорий операциялар сони камайиши ҳисобига бюджет маблағлари тежалади. Хулоса: тадқиқот кўлами бўйича 63000000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилиниши таъминланади.

тўртинчи илмий янгилик: қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволаш босқичларида тери лаҳтакларини кўчириб ўтказиш ёки суриш операцияларининг тактик ва техник жиҳатларини мукамаллаштириш, шунингдек, контрактуралар ривожланишини даволаш ва олдини олишда махсус дистракторлардан фойдаланиш орқали даволаш-профилактика дастури такомиллаштирилганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 мартда бi-22/4-сон билан тасдиқланган “Бармоқларнинг куйишдан кейинги чандиқли тортилишини даволашда 3D дистрактор ёрдамида мустаҳкамлаш усули” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий

қилиниши: ушбу янгилик Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 5 августдаги 182-сон ва Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 14 августдаги 13-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 сентябрдаги 25/47-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган бемор болаларни хирургик даволаш босқичларида такомиллаштирилган даволаш-профилактика дастуридан фойдаланиш асоратлар ривожланишини олдини олиб, болаларнинг соғлом ўсишига ёрдам беради, реабилитация жараёнининг енгил кечиши ва ижтимоий мослашувнинг тезлашишига, шунингдек қўл функциясини сақлаш ва меҳнатга лаёқатлилиқни тиклашга хизмат қилади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Асоратлар ривожланишининг камайиши ҳисобига қўшимча даволаш харажатлари ўртача 1800000 сўмга қисқаради. Хулоса: Тадқиқот кўлами бўйича умумий 108000000 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади ва вазибалари асосланган; тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган; республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда қўл бармоқларининг куйиши оқибатлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш босқичларида даволаш-профилактик дастурига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил шарҳлари келтирилган. Куйик асоратлари бўлган беморларни консерватив рабилитация усуллари, куйишдан кейинги чандиқли деформацияларни даволашда ташқи фиксация мосламаларидан фойдаланиш ҳамда куйишдан кейинги асоратларни жарроҳлик

йўли билан даволаш муаммолари таҳлил қилинган. Ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган. Тадқиқотнинг клиник базаси сифатида Андижон давлат тиббиёт институти ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларига мурожаат қилган беморлар олинган. Жами 352 нафар бемор кузатувга жалб қилинган бўлиб, уларда қўл кафт-бармоқларининг куйишдан кейинги чандикли деформация ва контрактуралари аниқланган

Беморлар ёши, жинси ва клиник кўрсаткичлари бўйича турли тоифаларга ажратилган: болалар ва ўсмирлар, катта ёшдаги беморлар, оғирлиги бўйича III–IV даражали куйиш асоратлари бор беморлар. Шу билан бирга, беморлар асосий гуруҳларига бўлинган.

Қўл бармоқларининг куйишдан кейинги чандикли деформация ва контрактураларини баҳолаш учун муаллиф томонидан классификация ишлаб чиқилган. Унда: контрактура турлари, деформация даражалари, клиник кўринишлари, ҳаракатланиш имкониятлари тизимли ҳолда таснифланган.

Тадқиқотда қуйидаги комплекс текширув усуллари қўлланилган:

Клиник текширув – беморларнинг шикоятлари, шикастланиш тарихи, бармоқ ҳаракат ҳажми, чандик хусусиятлари ва қўл функциялари баҳоланди.

Инструментал усуллар – рентген, электромиография (ЭМГ), функционал тестлар орқали бўғимлар ва мускул фаолияти ўрганилди.

Лаборатор таҳлиллар – умумий ва биокимёвий қон таҳлиллари, яллиғланиш ва оксил алмашинув кўрсаткичлари текширилди.

Физиологик усуллар – мускулларнинг чарчаш, куч, амплитуда ва текислик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Беморларга даволашнинг турли босқичларида комплекс ёндашув қўлланилган:

Консерватив чоралар: физиотерапия, компрессия, массаж, ЛФК, доривор воситалар (Контрактубекс, фермент препаратлари ва ҳ.к.).

Жарроҳлик усуллари: некрэктомия, аутодермопластика, маҳаллий лахтакли пластика, Z-пластика, реконструктив операциялар.

Ташқи фиксация мосламалари (дистракторлар): контрактура ва чандикларни эрта босқичда тузатиш, операциядан кейин барқарор натижага эришиш ва мускул-тери мувозанатини тиклашда қўлланилган.

Олинган рақамли маълумотлар махсус статистик дастурларда қайта ишланган. Хулосалар  $\chi^2$ , t-тест, корреляцион таҳлил ва ишонч интерваллари ( $p < 0,05$ ) асосида чиқарилган.

Диссертациянинг учинчи бобида “**Куйикдан кейинги қўл бармоқлар контрактураларини эрта реабилитация босқичларида дистракторлардан фойдаланиш натижалари**” берилган. 2019–2025 йиллар давомида қўл бармоқлари куйиши оқибатлари билан боғлиқ жами 352 нафар беморлар диспансер кузатувида олинган. Ушбу беморларда чандикли деформациялар, турли даражадаги контрактуралар ва функционал чекланишлар аниқланди. Беморлар ёш ва жинс тоифасига кўра гуруҳланиб, уларда чуқур клиник таҳлиллар олиб борилди. Асосий гуруҳда дистракторлардан фойдаланилган

бўлса, назорат гуруҳида эса анъанавий усуллар билан даво тадбирлари қўлланилди.

Эрта реабилитация босқичларида дистракторлардан фойдаланиш мақсади қўл бармоқлари ҳаракатчанлигини сақлаб қолиш, чандикли тўқималар ривожланишига тўсқинлик қилиш, операциядан олдинги тайёргарлик жараёнини енгиллаштириш ҳамда қўл функциясини тиклаш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат бўлди. Дистракторлар ёрдамида бармоқларнинг физиологик ҳолати сақланиб қолиши, мускулларнинг чарчаши камайиши ва функционал имкониятларнинг яхшиланишига эришилди.

Кузатув даврида шифокорлар учун махсус ўқув семинарлари ташкил этилди. Ушбу семинарларда бирламчи тиббий хизмат мутахассисларига қўл куйиши оқибатларида юзага келадиган чандикли деформацияларни эрта босқичда консерватив ва физиотерапевтик усуллар орқали даволаш йўналишлари, ҳамда даволаш гимнастикасининг аҳамияти ўргатилди. Шу билан бирга, шифокорларга операцияга муҳтож беморларни тўғри баҳолаш ва реабилитация жараёнидаги қўлланма алгоритмлар тақдим этилди.

Электромиография (ЭМГ) текширувлари натижасига кўра, дистракторлар қўлланилган беморларда мускулларнинг ўртача амплитудаси, тебранишларнинг чизикли тўлқини ва функционал кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлгани қайд этилди. Бу кўрсаткичлар дистракторлардан фойдаланиш самарадорлигини илмий асослади ва амалиётда жорий этиш зарурлигини кўрсатди.

Қиёсий таҳлилда асосий ва назорат гуруҳлари орасида асоратлар даражаси сезиларли фарқ қилди. Асосий гуруҳда тошма ва қичишиш ҳолатлари 2,0% ни ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 7,1% га етди. Бармоқлар орасида бичилиш ҳолатлари асосий гуруҳда 1% атрофида кузатилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 4,5% га етди. Шунингдек, трофик яралар асосий гуруҳда 1,5% беморларда кузатилган бўлса, назорат гуруҳида 4,5% беморларда қайд этилди. Буларнинг барчаси статистик жиҳатдан ишончли фарқни кўрсатди ( $\chi^2=14,9$ ;  $df=352$ ;  $p<0,05$ ).

Жами натижалар шуни кўрсатдики, дистракторлардан фойдаланиш эрта реабилитация босқичларида юқори самара берди, чандиклар ва контрактулар ривожланишини олдини олди, қўл бармоқларининг ҳаракатчанлиги яхшиланди ва мускул-тери мувозанати тикланди. Шу сабабли, дистракторлардан комплекс даволаш жараёнида фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, дистракторлардан фойдаланиш тактикаси қўл бармоқлари куйиши оқибатлари билан боғлиқ контрактуларнинг олдини олишда, мускул ва боғламларнинг функционал ҳолатини сақлаб қолишда, реабилитация жараёнини қисқартиришда ва операциядан кейинги натижаларни яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ушбу усул амалиётга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Куйикдан кейинги қўл кафт бармоқлар контрактуларини жарроҳлик усулларида кейинги босқичларда дистракторлардан фойдаланиш натижалари”** келтирилган.

Диспансер назоратига олинган беморнинг кейинги босқичда жарроҳлик амалиёти назарда тутилган бўлиб, 352 нафар беморлар барчалари турли усулларда жарроҳлик амалиётларига ўтказилган. Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларга жарроҳлик амалиётларини танлашда контрактуларнинг даражалари ва чандикларни эгаллаган майдонларига қараб белгилаб чиқилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Беморларда бажарилган жарроҳлик амалиёти турлари бўйича тақсимланиши (n=352)

| №                              | Амалиёт турлари | Контрактура тури  |             |              |             | Беморлар сони, (%) |
|--------------------------------|-----------------|-------------------|-------------|--------------|-------------|--------------------|
|                                |                 | деформа<br>циясиз | 1<br>даража | 2<br>даража  | 3<br>даража |                    |
| Назорат гуруҳ                  |                 |                   |             |              |             |                    |
| 1                              | *ТКП            |                   |             | 5            | 29          | 34<br>21,8%        |
| 2                              | **ЛП            | 6                 | 46          | 70           |             | 122<br>78,2%       |
| Назорат гуруҳдаги беморлар (%) |                 | 6<br>3,8%         | 46<br>29,5% | 75<br>48,1%  | 29<br>18,6% | 156<br>44,3%       |
| Асосий гуруҳ                   |                 |                   |             |              |             |                    |
| 1                              | *ТКП            |                   |             | 3            | 32          | 35<br>17,9%        |
| 2                              | **ЛП            | 8                 | 56          | 97           |             | 161<br>82,1%       |
| Асосий гуруҳдаги беморлар (%)  |                 | 8<br>2,1%         | 56<br>28,6% | 100<br>51%   | 32<br>16,3% | 196<br>55,7%       |
| Жами (%)                       |                 | 14<br>4,0%        | 102<br>29%  | 175<br>49,7% | 61<br>17,3% | 352<br>100%        |

\*Изоҳ. \*ТКП-тери кўчириш пластикаси, \*\*ЛП.-Лахтакли пластика

1-жадвалдан шуни кузатиш мумкинки, сўнг йилларда куйик ва унинг асоратлари оғир даражадаги контрактуларга сабаб бўлаётганлигини. 2019-2021 йиллар оралиғида 3 даражали контрактулар 18,6% (29) ни ташкил этган бўлса, сўнги йилларда бу кўрсаткич 32 (16,3%) ҳолатда қайид этилган. Бироқ тери кўчириб ўтказиш амалиёти 21,8% дан 17,9% пасайганлигини кузатиш мумкин, бу 1,2 баробарга тенг.

**Куйикдан кейинги бармоқлар контрактуларини жарроҳлик усуллари ёрдамида бартараф этиш.** Куйик асорати натижасида ҳосил бўладиган контрактуларни бартараф этишда асосан икки усулдан фойдаланилган бўлиб, мазкур жарроҳлик усулларига жалб этилган асосий ва назорат гуруҳидаги беморларнинг клиник жихатдан чандикли деформацияларини таклиф этилаётган ва клиник амалиётга жалб этилаётган янги пластика усуллари натижасида назорат гуруҳининг 2 даражали контрактуларда 5 (3,2%) ҳолатда тери кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилган

бўлсада, асосий гуруҳда бу кўрсаткич 3 (1,5%) тўғри келган. Бу нуқтаи назардан олиб қаралганда 2 даражали контрактураларда тери кўчириш амалиётига эса лахтақлар ёрдамида бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Куйикдан кейинги бармоқлар контрактураларини бартараф этишда тери кучириб ўтказиш амалиёти.

Комплекс даволашнинг жарроҳлик босқиларида жами 69 (19,6%) беморга тери кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилган бўлиб, шундан асосий гуруҳда 35 (50,7%, 69 беморга нисбатан) беморга ва назорат гуруҳида 34 (49,3%) фойдаланилган. Бундан иккита фалангани эгаллаган чандиқли контрактуралар 24 (34,8%, 69 беморга нисбатан) ва учта фалангани эгаллаганлар 45 (65,2%) ташкил этган. Тери кўчириб ўтказилган умумий майдони  $3,2 \pm 0,6$  см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Бу ўрта ҳисобда  $3,18 \pm 0,56$  см<sup>2</sup> пирсон буйича  $\chi^2$  тести-3,29; df=69; P=0,015.


Жарроҳлик амалиётлари куйидаги кетма-кетликда олиб борилган бўлиб, беморларнинг барчалари умумий эндотрахеал наркоз остида, жарроҳлик майдони антисептиклар ёрдамида бирламчи ишлов берилгандан сўнг, бармоқларни тортувчи чандиқлар тери кўчириш маайдонини аниқлаш мақсадида маркет ёки бриллиант кўки ёрдамида чизиб олинди. Гидропрепаровка мақсадида барча ҳолатларда натрий хлорнинг 0.9% эритмаси тери остига юборилди. Чандиқлар ҳолатига кўра кўнгдаланг ёки бутунлай олиб ташланди. Олиб ташлаш жараёнида бармоқларнинг ён томонларидан ўтувчи қон томирларнинг асосига қатий этибор қаратилди. Бу томирлар бармоқларнинг шоҳ қон томирлари бўлиб улурни зарарлар бармоқларга жиддий зарар етказилади. Чандиқлар остидаги соғ тўқималарда тўқималар аро қаватдан чиқиб кетмаган ҳолда амалга оширилди. Гемоста мақсадида нуктали ёки босиб туришдан фойдаланилди. Тўқималар аро қават бўшатилиб чандиқлар кесилиб, бармоқ ҳар бир бўғими алоҳида –алоҳида редрасация қилинди. Ҳосил бўлган жароҳатга марлия тампун босилиб жароҳат ўлчамлари олинди ва донор жароҳатга (донор жароҳат сифатида барча ҳолатларда соннинг олдинги, юқори 1/3 қисми танлаб олинган) қонли тампун расми қолдирилди. Донор жароҳат натрий хлорнинг 0.9% эритмаси ёрдамида тери остига инъенция усулида гидроприпаровка қилиниб, терини кўчириб олиш амалиёти бажарилди. Шу жойдан скальпел ёрдамида эркин бут тери остидаги ёғ тўқималардан алоҳида қилиб олинди. Олинган эркин бут тери бармоқдаги реципиент соҳага кўйилиб, четларига тугунли чоклар ва асептик боғлам ва дистракторлар ёрдамида фиксацияланди. Донор жароҳат четлари остидаги тўқималардан ажратилиб, тўқималар бўшаштириш ҳисобига жароҳат ёпилиб, тугунли 54 (78,3%) ва узлуксиз 15 (21,7%) чоклар ёрдамида жароҳат ёпилди ва асептик боғлам кўйилди. Алоҳида этиборни қаратиш лозимки, асосий гуруҳга жалб этилган беморларга 3Д дистрактолардан фойдаланилган бўлиб, бошқа ҳолларда анъанавий тахтакачлардан фойдаланилган.

Тери кўчириб ўтказиш амалиётидан кейинги даврда 6-8 суткаларда (ўртача  $6,8 \pm 1,1$  сутка  $\chi^2$  тести-1,14; df=314; P=2,61) биринчи боғламлар алмаштирилган. Операциядан кейинги натижаларни таҳлил қилишда мақсадга

муофиқ равишда тахтакачларнинг тери сатҳига ва маҳаллий кўчириб ўтказилган терига бўлган муносабати ўтганилган бўлиб, бунда маҳаллий терининг битиш жараёнига ва атроф тўқимани ҳолатига: қичишишлар, совқотиш ёки қизиб кетиш, тошмалар, ётоқ яралар бор йўқлигига алоҳида этибор қаратилган. Бу натижалар таҳлили бўлимида алоҳида келтириб ўтилган.

**Куйикдан кейинги бармоқлар контрактураларини бартараф этишда лахтакли пластика амалиёти.** Жарроҳлик амалиётига жалб этилган беморларнинг 80,4% (283) да лахтақлар ёрдамида чандикли деформациялар бартараф этилган бўлиб, булар: учбурчакли лахтақлар ёрдамида пластика-бунда битта бармоқни тўғри чизик бўйлаб тортилиши натижастида келиб чиқувчи 1 даражали контрактураларда ва бармоқлар аро чандиқларни ўсиши ҳисобига келиб чиққан контрактураларда 161 нафар (56,9%) беморларда қўлланилган ва мураккаб лахтақлар ёрдамида 122 (43,1%) нафар беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, шулардан трапециясимон 66 (54,1%) ёки икки ўрқачли лахтақлар 56 (45,9%) беморларда мазкур амалиётлар бажарилган. Шундан учбурчакли лахтақ ёрдамида пластика асосий гуруҳда 88 (54,6%, 161 беморга нисбатан) ва назорат гуруҳида 45,3% (73) да фойдаланилган. Мураккаб латақлар ёрдамида бажарилган амалиётлар асосий гуруҳда 73 (59,8%) нафар беморларда бажарилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 49 (40,2%) ташкил этган. Пирсон буйича  $\chi^2$  тести-7,96;  $df=122$ ;  $P=2,16$  ва  $\chi^2=1,69$ ;  $df=161$ ;  $P=0,171$ .

Жарроҳлик амалиётини кетма-кетлигига қичқача тўхталиб ўтган ҳолда асосий этибор модификацияларга қаратилди. Бемор умумий эндотрахеал наркозда жарроҳлик амалиёти ўтказиладиган майдон Волкович бўйича спирт-йод-спирт билан артиб тозаланиб тортувчи чандиқлар (1-расмга мос равишда) кесилади.




**1-расм. Учбурчакли лахтақларнинг торувчи соҳаларга кўнгдаланг кесмалари, лахтақларни ўринларини алмаштириш ва тугунли чоклар қўйиш босқичлари.**

Лахтақлар ҳосил қилишда алоҳида этибор қаратилиши лоҳим бўлган жиҳатлар: 1. Чандиқли ўзганрган тўқималарда лахтақлар ҳосил қилинганда лахтақлар тери ости ёғ қавати билан бирга қалин олиниши шарот бу лахтақнинг қон билан таъминланишига ва лахтақ учи некрози асоратини камайишига олиб келади; 2. Лахтақлар ҳосил қилишда геометрик чизикларга этиборни қаратган ҳолда лахтақлардаги бурчаклар 600-900 ташкил этиши тўғри йўналтирилган кенгайиш ва лахтақ учи некрози пофилактикаси

ҳисобланади. Лахтақларнинг ўринлари алмашинуви ҳисобига ҳосил бўлувчи кенгайишдан унумли фойдаланиш натижасида тортувчи чандиқларнинг остидаги тўқималарга ёпишган қисмини ажратиш бўғим ва фалангаларнинг редросацияси кейинги нуқтали гемостаз ва жароҳат четларига тугунли чоклар билан яқунланади, ундан фарқи равишда лахтақ учларига тугунли эмас балки “О” симон чоклар билан маҳкамланади.

